

## Ўз ватанига яқинлашганда



17:20 / 11.09.2017 6447

Ҳожи ёки умра қилувчи ватанига яқин қолганда ушбу дуони ўқийди:

**«Бисмиллаҳ, ааибуна, тааибуна, обидуна, лироббинаа ҳамидуна, содақаллоҳу ваъдаҳу ва насора аҳдаҳу ва ҳазамал аҳзааба ваҳдаҳу».**

**Маъноси:** Аллоҳ номи ила сафардан қайтмоқдамиз. Бизлар қайтувчилармиз, тавба қилувчилармиз, ибодат қилувчилармиз, Роббимизга ҳамд айтгувчилармиз. Аллоҳ Ўз ваъдасини рўёбга чиқарди, бандасига нусрат берди. Кофирларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди.

Ҳаждан уйга қайтиб келинганда:

**«Аллоҳу акбар кабиро! Аллоҳу акбар кабиро, Аллоҳу акбар кабиро! Аъибуна, таъибуна, ъабидуна, сажидуна, лироббина ҳамидуна»** деган дуо ўқилади.

Ҳожилар ватанларига қайтиб келганларидан кейин зиёратчилар улар билан салом-алик қилиб, қўл бериб кўришиб, улардан ўзларининг ҳақларига дуо оладилар. Чунки ҳожиларнинг қилган дуолари мақбулдир.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Аллоҳим! Ҳаж қилгувчини ҳам, у ҳаққиға истиғфор айтган кишини ҳам мағфират қилгин», дедилар»**

*Байҳақий ривоят қилган.*

Ҳожиларни сафарга жўнатаётган пайтда издиҳом ташкил қилиш ёки қандайдир базм-зиёфатлар уюштириш ман қилинган-қайтарилган ишлардандир.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Мўминнинг умр сафари китобидан)*